



**USAID**  
FROM THE AMERICAN PEOPLE



## USAIDНИНГ АГРОБИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЛОЙИҲАСИ

USAIDнинг Ўзбекистонда Агробизнесни ривожлантириш лойиҳаси мақсадли қишлоқ хўжалиги товарлари учун қўшимча қиймат яратишнинг янги технологиялари ва бутун қиймат занжири бўйлаб янги бошқарув усулларини жорий этиш орқали Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига хусусий сектор улушининг ошишини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган.

USAIDнинг Ўзбекистонда Агробизнесни ривожлантириш лойиҳаси Ўзбекистонда хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб-чиқарилган қишлоқ хўжалиги товарлари ва хизматларининг миқдори, сифати ва хилма-хиллигини ошириш орқали USAIDнинг ушбу соҳадаги аввалги фаолияти ва ютуқларига таянади. Лойиҳа доирасида USAID Ўзбекистоннинг хусусий секторини қўллаб-қувватлайди ҳамда мамлакатда ишчи кучи ошиб бораётган шароитда расмий иқтисодиётда иш ўринларини яратишга имкон беради. Ушбу саъи-ҳаракатлар Ўзбекистонда қўшимча қийматга эга бўлган товарлар ишлаб-чиқаришни кўпайтиришга, аҳолининг заиф қатламлари, шу жумладан ёшлар ва аёлларни жалб қилишга, таълим муассасаларини хусусий сектор талаби билан боғлаш ҳамда қишлоқ хўжалиги учун қўлай мұхитни яратишга қаратилади.

### ЛОЙИҲА КОМПОНЕНТЛАРИ

#### I-КОМПОНЕНТ: АГРОБИЗНЕС РИВОЖИ

- Агробизнес рақобатбардошлиги ва рентабеллигини ошириш учун бизнесни бошқаришнинг инновацион усулларини жорий этиш;
- Янги бозорларга чиқиш учун зарур сифат стандартлари бўйича агробизнес корхоналарини ўқитиш ва сертификатлаш билан шуғулланувчи Ўзбекистон ташкилотларининг салоҳиятини ошириш;

- Қишлоқ хўжалиги корхоналарига маҳсулотларга қўшимча қиймат қўшиш, савдо ҳажми ва даромадни ошириш учун янги технологияларга инвестицияларни биргаликда молиялаштириш.

## **2-КОМПОНЕНТ: АЁЛЛАР ВА ЁШЛАР УЧУН ИМКОНИЯТЛАРНИ КЕНГАЙТИРИШ**

- Агробизнес корхоналарида бошқарувчилик ёки техник лавозимларни эгаллашлари учун аёллар ва ёшларнинг (16 ёшдан 29 ёшгacha) кўникма ва техник салоҳиятни ошириш бўйича бизнес кўникмаларни ривожлантириш тренингларини ишлаб чиқиш ва ўтказиш;
- Бизнес кўникмаларини ривожлантириш бўйича тренинг битирувчиларига янги агробизнесни бошлашга кўмаклашиш учун грантлар ажратиш.

## **3-КОМПОНЕНТ: ИЛМ-ФАН ВА АГРОБИЗНЕС ЎРТАСИДАГИ АЛОҚАНИ МУСТАҲКАМЛАШ**

- Агробизнес корхоналарида талабалар учун амалиёт ва ишга жойлашиш имкониятларини қўллаб-қувватлаш;
- Талабаларга агробизнесда зарур бўлган амалий кўникмаларни ўргатиш учун янги ва такомиллаштирилган ўқув дастурларини жорий этиш;
- Қишлоқ хўжалиги корхоналари эҳтиёжларига хизмат қиладиган илмий доиралар ва хусусий сектор ўртасида қўшма илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни қўллаб-қувватлаш.

## **4-КОМПОНЕНТ: ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА АХБОРОТ-МАСЛАҲАТ (ЭКСТЕНШН) ХИЗМАТЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ**

- Қишлоқ хўжалигида янги ва такомиллаштирилган ахборот-маслаҳат хизматларни жорий этиш;
- Қишлоқ хўжалигида сифатли ахборот-маслаҳат хизматларини кўрсатишлари учун давлат ва хусусий сектор вакилларининг салоҳиятини ошириш;
- Барча манфаатдор тарафларга ижтимоий тармоқлар орқали тарқатиш учун ахборот-маслаҳат хизматларини ишлаб-чиқиш.

## **5-КОМПОНЕНТ: ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ РИВОЖИ УЧУН ҚУЛАЙ МУҲИТИ ЯРАТИШ**

- Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалиги соҳасини тартибга солувчи қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани ва стандартларни такомиллаштиришда таҳлилий кўмак кўрсатиш;
- Минтақавий савдони ривожлантириш бўйича қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштиришни қўллаб-қувватлаш;
- Қишлоқ хўжалиги вазирлигини Ўзбекистон республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини амалга оширишда қўллаб-қувватлаш;
- Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги тармоғининг ўсиши ва ривожланишидаги тўсиқларни бартараф этиш учун давлат ва хусусий сектор ўртасидаги мулоқотни ривожлантириш.

**ЛОЙИҲАНИНГ АМАЛГА  
ОШИРИЛИШ МУДДАТИ**

**2020 йил июль - 2025 йил июнь**

**МАЪЛУМОТ УЧУН**

Бахтиёр Мирзабаев  
Лойиҳани бошқариш бўйича мутахассис  
USAIDнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси  
Электрон почта: [bmirzabaev@usaid.gov](mailto:bmirzabaev@usaid.gov)